Закон Республики Узбекистан от 27.11.2025 г. № O'RQ-1097
О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасининг қонуни Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида	
	28[1]-модда. Жамиятнинг мажоритар акциядори ва унинг мажбуриятлари **Жамият овоз берувчи акцияларининг эллик фоизидан ортиғига эгалик қилувчи ёхуд овоз берувчи акциялари миқдори жамиятнинг бошка ҳар бир акциядори улушига нисбатан кўп бўлган ҳамда овози карор натижасига ҳал килувчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган акциядор мажоритар акциядор деб эътироф этилади.** **Агар мажоритар акциядорга карорлар жамиятнинг ва бошка акциядорларнинг манфаатларига зарар келтириши олдиндан аён бўлса, у мазкур қарорларни шахсий манфаатларини ҳисобга олиб кабул килмаслиги, жамият бошкарув органларининг йиғилиши кун тартибига жамиятнинг ва бошка акциядорларнинг манфаатларига мос келмайдиган масалаларни ёки хал этилиши жамиятнинг ва бошка акциядорларнинг**

	манфаатларига зарар етказиши олдиндан маълум бўлган масалаларни киритмаслиги шарт. **Жамиятнинг мажоритар акциядори ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик натижасида жамиятга ва бошқа акциядорларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади»;**
81-модда. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди бундан ушбу Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини	81-модда. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг жавобгарлиги Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият директори ва бошқаруви аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди бундан ушбу Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини

қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув директорини ёки аъзосини, шунингдек ишончли бошқарувчини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади: чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик; ушбу Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик; жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик. Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш	қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув директорини ёки аъзосини, шунингдек ишончли бошқарувчини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади: чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик; ушбу Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик; жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик. **фидуциар мажбуриятларни бажармаслик;**

тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг ёки бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.	**Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчининг фидуциар мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:** **вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат килиб, жамият ва акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланишни;** **кўзлаб жамият мол-мулкидан жамиятнинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) кузатув кенгашининг карорларисиз, шахсий манфаатларини фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл қўймасликни;** **жамиятнинг бизнес имкониятларидан ёки жамият учун манфаатли бўлган объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавкеидан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга кўмаклашиш мақсадида фойдаланмасликни;** **жамиятнинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмасликни;**

	қонунчиликка, жамиятнинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликни; **ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эвазига моддий кимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкий манфаатдор бўлмасликни.** **Қонунчиликда, жамият уставида ва ички ҳужжатларида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув бошкарувчининг бошқа фидуциар аъзоларининг ҳамда ишончли мажбуриятлари белгиланиши мумкин;** Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг ёки бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.
Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси	
300-модда. Тариф преференциялари Тариф преференциялари божхона божларини тўлашдан озод этиш, божхона божлари ставкаларини камайтириш ёки муайян давлатларда ишлаб чиқарилган	300-модда. Тариф преференциялари Тариф преференциялари божхона божларини тўлашдан озод этиш, божхона божлари ставкаларини камайтириш ёки муайян давлатларда ишлаб чиқарилган

товарларни божхона ҳудудига преференциал олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан преференциал олиб чиқишда квоталар белгилаш тарзида берилади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қуйидаги товарларга нисбатан божхона божлари қўлланилмайди: Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки Ўзбекистон Республикаси эркин савдо режимини белгилаган давлатларда ишлаб чиқарилган ва ушбу давлатлардан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга; **Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва унинг божхона ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки Ўзбекистон Республикаси эркин савдо режимини белгилаган давлатларга олиб чиқилган товарларга.** **Ўзбекистон Республикаси эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисида халқаро шартнома тузган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан, агар товар эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги халқаро шартнома иштирокчилари бўлган давлатлардан бирининг резиденти томонидан экспорт қилинаётган бўлса ва ушбу шартнома иштирокчиси бўлган давлатнинг резиденти томонидан шартнома иштирокчиси бўлган бошқа давлатнинг божхона ҳудудидан олиб кирилган бўлса, божхона божлари қўлланилмайди. Бунда резидент деганда шу давлат ҳудудида ташкил этилган ташкилот ёхуд шу давлат	товарларни божхона ҳудудига преференциал олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан преференциал олиб чиқишда квоталар белгилаш тарзида берилади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қуйидаги товарларга нисбатан божхона божлари қўлланилмайди: Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки Ўзбекистон Республикаси эркин савдо режимини белгилаган давлатларда ишлаб чиқарилган ва ушбу давлатлардан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга; Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакати аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларининг ставкалари икки баравар оширилади. Ривожланаётган давлатларда, шунингдек кам ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган ва божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар учун қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг преференциялар миллий тизими белгиланиши мумкин. Тариф преференциялари ушбу Кодекснинг 50-боби қоидаларига риоя этган ҳолда берилади.

ҳудудида доимий яшайдиган жисмоний шахс тушунилади. Бошқа ҳолларда бож тарифига мувофиқ божхона божи ставкаси қўлланилади. **Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридаги божхона божлари Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан, товарни жўнатувчи ва экспорт қилувчи мамлакатдан қатъи назар қўлланилади.** Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакати аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларининг ставкалари икки баравар оширилади. Ривожланаётган давлатларда, шунингдек кам ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган ва божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар учун қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг преференциялар миллий тизими белгиланиши мумкин. Тариф преференциялари ушбу Кодекснинг 50-боби қоидаларига риоя этган ҳолда берилади.	
	300[1]-модда. Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаш **Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридаги божхона божлари, товарни жўнатувчи ва экспорт қилувчи мамлакатдан қатъи назар, Ўзбекистон**

	Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларида энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чикарилган товарларга нисбатан қўлланилади. **Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чикарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакати аниқланмаган товарларга нисбатан бож тарифидан ташкари қуйидаги миқдорларда қўшимча божхона божи ундирилади:** **божхона божининг адвалор ставкаси тури ўн фоизгача бўлган товарларга нисбатан беш фоиз;** **божхона божининг адвалор ставкаси ўн фоиздан йигирма фоизгача бўлган товарларга нисбатан ўн фоиз,** **божхона божининг адвалор ставкаси йигирма фоиздан ўттиз фоизгача бўлган товарларга нисбатан ўн беш фоиз;** **божхона божининг адвалор ставкаси ўттиз фоиз ва ундан юқори бўлган товарларга нисбатан йигирма фоиз.**
328-модда. Божхона тўловларини тўлаш тартиби Божхона тўловлари божхона органларининг қонунчиликка мувофиқ шу мақсадлар учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига тўловчи томонидан тўланади.	328-модда. Божхона тўловларини тўлаш тартиби Божхона тўловлари божхона органларининг қонунчиликка мувофиқ шу максадлар учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига тўловчи томонидан тўланади.

Тўланган ва ундирилган божхона тўловларининг ҳисоби божхона органларининг ахборот тизимида юритилади.	**Божхона органлари тўланган ва ундирилган божхона тўловларининг, шунингдек пенялар ва жарималарнинг ҳисобини божхона органларининг ахборот тизимидаги тўловчининг шахсий ҳисобварағида акс эттириш орқали юритади. Тўловчининг шахсий ҳисобварағини юритиш тартиби Узбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси томонидан белгиланади.**
Тўланган божхона тўловларидан олинган маблағлар товарлар чиқариб юборилган кундан ёки тўланиши божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган кундан эътиборан **беш иш куни ичида** божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади, бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолат мустасно.	Тўланган божхона тўловларидан олинган маблағлар товарлар чикариб юборилган кундан ёки тўланиши божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган кундан эътиборан **уч иш куни ичида автоматик равишда** божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.
Ушбу Кодекснинг 262, 269 ва 270-моддаларига мувофиқ товарларни декларациялашда тўланган божхона тўловлари лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларацияси расмийлаштирилиши якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.	
Божхона тўловлари, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, миллий валютада тўланади.	Божхона тўловлари, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, миллий валютада тўланади

336-модда. Божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг қўлланилиши Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш ушбу Кодекснинг 72, 87, 93, 95, 222, 223, 236, 272, 321 ва 329-моддаларида белгиланган ҳолларда қўлланилади. **Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш божхона органларига товарлар чиқариб юборилгунига қадар ёхуд шундай таъминлашни назарда тутувчи ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар тақдим этилиши керак.**	336-модда. Божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг қўлланилиши Божхона тўловлари тўланишини таъминлаш ушбу Кодекснинг 72, 87, 93, 95, 222, 223, 236, 272, 321 ва 329-моддаларида белгиланган ҳолларда қўлланилади. **Товарнинг келиб чикиши тўғрисидаги сертификат мавжуд бўлмаганда ёки ушбу сертификатнинг ва (ёки) унда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига шубха туғилганда товарга нисбатан ушбу Кодекснинг 3001-моддасида белгиланган қўшимча божхона божи қўлланилади, бундан ушбу Кодекснинг 365-моддасида назарда тутилган ҳол мустасно**